

“ТАСДИКЛАЙМАН”  
«Навой ИЭС» АЖ

Бош директори

  
05.04.2019 йил

К.Х.Ганиев

2019 йилни 3 оyi давомида «Навой ИЭС» АЖга келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши ва сайёр қабуллар ўтказиш ҳолатлари бўйича ўтказилган ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили бўйича  
**М А Ё Л У М О Т Н О М А**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан «Навой ИЭС» АЖга 2019 йилнинг 3 оyi давомида келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши, сайёр қабуллар ўтказилиш ҳолатлари бўйича ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

2019 йилни 3 ойида “Навой ИЭС” АЖга жами бўлиб 41та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 14таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 20таси ёзма шаклдаги, 7таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

41та мурожаатлардан 40таси жисмоний шахсларнинг мурожаатлари, 1таси юридик шахсларнинг мурожаатлари.

Қабул қилинган ва кўриб чиқилган 14та оғзаки шаклдаги мурожаатлардан Бош директор К.Х.Ганиев ҳиссасига 12та, ишлаб чиқариш бўйича директор А.Н.Якубов ҳиссасига 1та, умумий саволлар бўйича директори О.Худоёров ҳиссасига 1та мурожаат тўғри келмоқда, молия ва сотиш бўйича директори Г.К.Яхшиликков, Капитал қурилиш бўйича директор Т.Назаровларга оғзаки шаклдаги мурожаатлар келиб тушмаган ва кўриб чиқилмаган.

Қабул қилинган ва кўриб чиқилган 27та ёзма ҳамда электрон шаклдаги мурожаатлардан Бош директор К.Х.Ганиев ҳиссасига 18та, ишлаб чиқариш бўйича директор А.Н.Якубов ҳиссасига 6та, умумий саволлар бўйича директори О.Худоёров ҳиссасига 1та мурожаат, капитал қурилиш қурилиш бўйича директор Т.Назаров ҳиссасига 2та мурожаат тўғри келмоқда, молия ва сотиш бўйича директори Г.К.Яхшиликков томонидан ёзма ва электрон мурожаатлар кўриб чиқилмаган.

Электрон мурожаатлар, яъни Ўз.Р. Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 7та мурожаатдан 5тасини Бош директор К.Х.Ганиев, 1тасини ишлаб чиқариш бўйича директори А.Н.Якубов, 1тасини капитал қурилиш бўйича директори Т.Назаров томонидан кўриб чиқилган ва жавоб хатлари имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 7та мурожаатлардан барча 7 таси маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқилган, 7таси бўйича тушунтиришлар берилган, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2019 йилнинг 3 оyi давомида келиб тушган мурожаатлар 2018 йилнинг шу даври билан таққосланганида, 2018 йилни 3 ойида келиб тушган мурожаатлар 56тани ташкил қилганлигини кўриш мумкин. 2019 йилни 3 оyi давомида мурожаатлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15тага, яъни 26,78%га камайган.

2019 йилнинг 3 ойида келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалалар 2018 йилнинг шу даври билан таққосланган ҳолда таҳлилдан ўтказилганида,

- электр ва иссиқлик энергияси билан сифатсиз таъминлаш, электр энергиясини узатиш, ускуналарини таъмирлаш каби масалаларни ўз ичига олган мурожаатлар сони 2019 йилнинг 3 ойида 3тани ташкил қилаётганлигини, 2018 йилнинг шу даврида 1та мурожаат қайд қилинган – мурожаатлар сони **2тага кўпайган;**

- маъмурият ўз амалидан фойдаланиши ва нотўғри ҳаракат қилишини шикоят қилувчи мурожаатлар 2019 йилнинг 3 ойида 1тани ташкил қилмоқда, 2018 йилнинг шу даврида мурожаат қайд қилинмаган, мурожаатлар сони **1тага кўпайган;**

- уй-жой масалалари ва бошқа масалалар бўйича мурожаатлар сони 2019 йилнинг 3 ойида 1тани ташкил қилмоқда, 2018 йилнинг шу даврида мурожаатлар сони 5тани ташкил қилган, яъни мурожаатлар сони 4тага камайган;

- Ишга жойлаш, архив маълумотлари ва бошқа масалалар бўйича мурожаатлар сони 2019 йилнинг 3 ойида 25тани ташкил қилмоқда, 2018 йилнинг шу даврида 29тани ташкил қилган, яъни мурожаатлар сони 4тага камайган;

- молиявий тусдаги масалалар (меҳнат ва иш ҳақи, моддий ёрдам кўрсатиш, нафақалар) бўйича мурожаатлар сони 2019 йилнинг 3 ойида 11тани ташкил қилмоқда. 2018 йилнинг шу даврида бу туркумдаги мурожаатлар сони 21тани ташкил қилган, яъни ўтган йилга нисбатан бу туркумдаги мурожаатлар сони 10тага камайган.

2019 йилни 3 ойида иссиқлик таъминотида доир мурожаатлар сони кўпайганлиги сабаблари таҳлил қилинганида, мурожаатлар иссиқхона раҳбарларидан келиб тушган бўлиб, Станциянинг тегишли хизматлари томонидан зарур тушунтириш ишлари олиб борилиб, мурожаатлардаги вазлар ўз исботини топмаганлиги аниқланди.

Ўтган йилнинг шу даврида қайд қилинмаган маъмурият ўз амалидан нотўғри фойдаланиши ёки нотўғри ҳаракат қилинишидан келиб чиққан мурожаатлар таҳлил қилинганида, мазкур мурожаат ХБ бошлиғи А.Хаитов ҳаракатлари устидан оғзаки равишда берилганлиги аниқланиб, ушбу мурожаатга якуний жавоб хати берилмаган. (Масъул ижрочи Касаба уюшма кўмити раиси Р.Ахмедов).

2018 йилнинг 3 ойи давомида келиб тушган такрорий мурожаатлар сони 0тани ташкил қилгани ҳолда 2019 йилнинг 3 ойи давомида келиб тушган такрорий мурожаатлар сони 4тани ташкил қилмоқда. Булардан 2таси иссиқлик таъминотига доир масалалар ва 2таси меҳнат муносабатларига доир.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайган такрорий мурожаатлар сони кўпайишининг сабаблари таҳлил қилинганида юқорида кўрсатиб ўтилганидек, иссиқлик таъминотига доир мурожаатлар иссиқхона раҳбарларидан (Нуруллаева Ш. ва Эгамбердиев Х.) келиб тушган бўлиб, Станциянинг тегишли хизматлари томонидан зарур тушунтириш ишлари олиб борилиб, мурожаатлардаги важлар ўз исботини топмаганлиги аниқланган; меҳнат муносабатларига доир такрорий мурожаатлар (Ходжакулов А. ва Санакулов У) ўз вақтида кўриб чиқилиб, уларнинг важлари ҳам исботланмасдан, Станциянинг масъул ходимлари томонидан тегишли тушунтириш ишлари олиб борилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали ёпилишига эришилган.

2019 йилнинг 3 ой давомида Жадвал асосида 1та сайёр қабул ўтказилган, тегишли баённома билан жавоблар расмийлаштирилган ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳр билан тасдиқланган.

Ўрганиш ва умумлаштириш ўтказиш вақтигача қайд қилинган 41та мурожаатлардан 35таси кўриб чиқилиб, 7таси каноатлантирилган, 28таси бўйича тушунтиришлар берилган ва жавоблар юборилган, бта мурожаат кўриб чиқилмоқда, кўриб чиқилаётган мурожаатлардан **1та мурожаат бўйича муддат бузилган.**

Жумладан :

1. 25.02.2019 йилдаги Ашурова Маржона ва “Марказий таъмирлаш цехи”нинг ёшлари номидан “Қувноқлар ва зукколар” конкурсидан иштирок этишларига ХБ бошлиғи А.Хаитов томонидан тўсқинлик қилинаётганлиги ва бу ҳолатга изоҳ берилишини сўраб берган мурожаати мазкур конкурс жамоатчилик асосида олиб борилаётганлигини ҳисобга олиб КУҚ раиси РАҳмедовга, кўриб чиқилиб, жавоб берилиш сўралган бўлишига қарамасдан, мурожаатни кўриб чиқиш ва жавоб бериш чораси етарли даражада ташкил қилинмаган ва мурожаатни бузган шахсга нисбатан тегишли жавобгарлик чораси қўлланган.

Ўтказилган ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига кўра бундан кейин ҳам мурожаатлар сонини 2018 йилга қараганда қузатилган, мурожаатларни **пасайиш тенденциясини сақлаб қолиш**; электр ва иссиқлик энергияси билан сифатсиз таъминлаш, эл.энергиясини узатиш, усқуналарини таъмирлаш каби масалаларни ўз ичига олган мурожаатлар кўпаймаслиги учун тегишли **тушунтириш ишларини кучайтириш**, “Он-лайн маслаҳатчи” электрон дастурни тўлақонли ишлатилишини таъминлаш (масъул Ахборот хизмати И.Хамраев), **сайёр қабуллар ўтказишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш (Масъул Ахборот хизмати И.Хамроев)**, келгусида 2019 йилда қайд қилинган 1та қонун бузилиш каби камчиликларга йўл қўймастик, **ижро интизомини кучайтириш лозим бўлади.**

Мазкур ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил ўтказиш давомида “Наврий ИЭС” АЖга келиб тушган мурожаатларнинг барча йўзма жилдларидан фойдаланилди ва мазкур маълумотнома Бош директор, директорлар, бўлим бошлиқларига маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасини 4-бандига асосан веб-сайтга жойлаштирилиши учун тақдим қилинмоқда.

Маълумотномани тузувчи  
Офис-менежер



И.Б.Норов